



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 7 январь, № 3 (6186)

Чоршанба

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ



Ўзбекистон давлат мустақиллиги эришган дастлабки кунлардан бошлаб инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишда ҳар йилга олижаноб мақсадга йўналтирилган ном берилиб, Давлат дастурлари қабул қилинаётгани ва амалга оширилаётгани, айниқса, муҳим аҳамиятта эга бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани ана шу хайрли ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.



Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида

8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.



(Давоми 2-бетда)

“Хар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янгилишмаган бўламиз, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида. — Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган”.

Пиру бадавлат кексаларимизни қадрлаш, уларни эъзозлаш халқимизга хос фазилатдир. Оила муҳитида шаклланди-ган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдида бир умр қарздорлик бурчи одамлигининг ёрқин ифодасидир. Шундай экан, кўпни кўрган, Ватанимиз равнақи, шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги йўлида бекиёс ҳисса кўшган муътабар отахон ва онахонларимизга ҳар томонлама эҳтиром кўрсатсак, улар олдидаги фарзандлик бурчимизни садоқат билан адо этиб, бошимизга кўтарсак арзийди. Ушбу йўна-

лишда юртимизда кўп ва хўп савобли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги даврда аҳолининг турмуш даражаси, айниқса, ҳаёт сифати одамларнинг ўртача умр кўриши кўрсаткичи билан ҳам ифодаланади. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсонни ривожлантириш

ИСЛОХОТ

концепциясида қайд этилган энг муҳим мезонлардан биридир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача умр кўриши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Бугунги кунда республикада 60 ёшдан ошган қарийб 2,9 миллион киши истикомат қилади. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон узок умр кўрувчилар мамлакатига айланаётганлигини мануният билан қайд этса бўлади. Буни юртимизда яшаётган табаррук отахон ва онахонларимизнинг 225 минг нафари 80 ёшдан, 44

минг нафари 90 ёшдан, 8700 нафари эса 100 ёшдан ошганлиги ҳам исботлаб турбди.

Республикада фахрийларнинг “Нуроний” жамғармаси ташкил этилган. Ушбу жамоат ташкилоти томонидан кекса авлод вакилларига кейинги икки йил давомида 1 миллиард 163 миллион сўм, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан эса 2013 йилда 3 миллиард 211 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бево-сита катта ёшдагиларга мўлжалланган санаторийлар, дам олиш уйлари ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилиб, ривожлантириб борилаёпти. Жаҳон миқёсида глобал молиявий инқироз давом этаётган бир шароитда ҳам мамлакатимизда давлат бюджети қаражатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳага ажратилаётганлиги бутун дунёда тан олинган “Ўзбек модели” асосий хусусиятининг амалий ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

Қисқа

сатрларда

● Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳрида ёш оилалар учун замонавий уй фойдаланишга топширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маблағи ҳисобидан барпо қилинган ушбу тураржойдаги хонадонлар қорхонанинг 27 нафар ишчисига туҳфа этилди.

● Наманганда Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий анжуманда фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иш-тирок этди. Тадбирда Наманган санъат коллежи ўқитувчи ва ўқув-

чиларидан таркиб топган хор ва макомчилар жамоалари томонидан жаҳон мумтоз мусиқа санъати хазинасидан муносиб ўрин олган Шарку Фарб, жумладан, ўзбек миллий мумтоз куй-қўшиқлари маҳорат билан ижро этилди.

● Жиззах вилояти Мирзачўл туманида нотариал идоранинг янги биноси қуриб битказилди. Туман марказида, аҳолининг келиб-қетиши учун қулай жойда қад ростлаган ушбу бинода барча зарур шарт-шароит яратилган. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, фуқароларни қабул қилиш, ҳуқуқий маслаҳат бериш хоналари кенг ва ёруғ бўлиб, замонавий мебель ҳамда моддий-техника жиҳозлари билан таъминланган.

● Термизда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда намунавий тураржой биноси учун сарфланадиган маблағларнинг шаклланиши, лойиҳада ишти-

рок этувчи ташкилотлар ва уларнинг вазифалари, лойиҳани амалга ошириш жараёни, уй-жойга талабгорларни танлаш, тендер савдоларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚУЛАЙЛИК

Янги йилнинг дастлабки кунларида Тахтақўпир туманидаги Қарабайли ва Оркенди қишлоқлари аҳолиси ҳаётда қувончли воқеа рўй берди.

Замонавий сув тозалаш қурилмаси

Гап шундаки, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан амалга оширилган, қиймати 2 миллиард 474 миллион сўмлик лойиҳа натижасида ушбу ҳудуд аҳолисининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди.

— Соатиға 6 кубометр сувни тозалаш берувчи замонавий қурилма ўрнатилди, — дейди Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Ижроия кўмитаси Нукус филиали директори Омирбай Ақназаров. — Шунингдек, 11 минг 490 метр узунликдаги сув тармоғи бунёд этилди. Пировардида ҳудуд аҳолисига катта қулайлик яратилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эзгу ишларга мустаҳкам пойдевор

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини бутун оила аъзоларимиз билан файзли дастурхон атрофида жам бўлиб тингладик. Унда келтирилган далиллар, айтилган фикр-мулоҳазалар ва устувор вазифаларни эшитиб, очиги, қўнглимиз осмон қадар кўтарилди, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада ортди.

ДИЛ СЎЗИ

Зотан, табрикда алоҳида таъкидланганидек, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хо-сиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор. Дарҳақиқат, ўтган йил мамлакатимиз ҳаётининг барча жаб-ҳаларида жадал ривожланиш даври

бўлди. Буни биргина иқтисодий соҳасида эришилган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Негаки, 2014 йилда ҳам жаҳон миқёсида мо-лиявий-иқтисодий ин-қироз давом этаётганига қарамасдан, ялпи ички маҳсулот ҳажми-нинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмади. Ушбу рақам моҳиятини те-ранроқ англаш учун Ўзбекистонимиз дунё-нинг санокли давлат-лари қаторида шундай оқори натижага эриш-гани, бу кўрсаткич

охириги 10 йил давоми-да узлуқсиз таъминла-ниб келинаётганини айтиш қиёфа, назар-римда. Қувонарли томони шундаки, 2015 йилда ҳам мамлакатимизда тараққиёт кўрсаткич-лари бундан кам бўлмас-лиги кутилмоқда. Мана шундай паллада барқарор ўсиш суръат-ларини таъминлашда фаол иштирок этаётган тадбиркорлардан бири эканлигидан фахрла-наман.

(Давоми 2-бетда)

БИЗ ВА ЖАҲОН



Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашган германиялик журналист ҳамда экспертлар Ватанига қайтгач, «Жаҳон» ахборот агентлигининг Берлиндаги муҳбирига мазкур муҳим сиёсий жараён яқунлари хусусида интервью берди.

Германиялик халқаро кузатувчилар Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳақида

Эдгар КЛОЗЕ, профессор, Бранденбург технология ҳамда инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси:

— Мен Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги билан яхши танишман. Сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига киритилган қўшимча ҳамда ўзгаришлар уни демократик тамойиллар асосида янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Шубҳа йўқки, буларнинг барчаси республикада парламент сайловлари шаффоф, адолатли ва демократик асосда ўтишига кўмаклашди.

Очиғи, мамлакатингиз ҳаётининг турли жабҳаларида рўй бераётган кенг қўламли ислохотлар жараёнини анчадан буён катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Шунинг таъкидлашни истардим.

ки, Ўзбекистонда иқтисодиёт, илм-фан, таълим ва технологиялар изчил ривожланиб бораётди. Бу эса «Ўзбек модели»нинг барқарорлигидан далолат беради.

Юртингизда тинч ва оқойишта ҳаёт ҳукм сураётгани ҳам улкан муваффақият ҳисобланади. Чунки фақат тинч ва барқарор мамлакатдагина демократик жараёнлар давом этиши, жамият ҳар томонлама ривож топиши мумкин. Парламент сайловларидаги иштирокимиз чоғида биз яна бир қарра бунинг гувоҳига айландик.

Петер ФРАНКЕ, «Wostok» журнали бош муҳаррири:

— Парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида Урганчдаги сайлов участкалари бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

ЭНГ УЛУФ МАҚСАД

юрт тинчлиги ва равнақи ҳисса қўшиш

Бугунги кунда фарзандининг миллий армиямиз сафида хизмат қилиши ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Қорақўллик Зокир Рўзиев ҳам қалбига ана шундай эзгу ниятни туққан минглаб юртдошларимиздан бири. Давлат ва жамоат ишларида фаол бу инсоннинг орзуси ушаладиган бўлди. Чунки унинг ўғли Суҳробжон мuddатли ҳарбий хизматга қақирилди.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

— Ўтган йили туман қақирув пунктига бордим, — дейди З. Рўзиев. — У ерда ҳарбий хизматчилар, қақирув ёшидаги йигитлар, тиббиёт ходимлари учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, очиги, ҳавасим келди. Беихтиёр ёшлигим эсимга тушди. Бундан йигирма беш-ўттиз йил аввалги қақирув пункти билан ҳозиргиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Замонавий бино, кенг ва ёруғ хоналар, алоқа воситалари, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар — буларнинг барчаси Куролли Кучлари-мизда амалга оширила-

ётган ислохотларнинг ҳаётий самарасига бир мисолдир. Зокир аканинг тўққинла-ниб сўзлаганича бор. Барча шаҳар ва туманлардаги қақирув пунктлари каби Қорақўлдаги бу мас-кан ҳам капитал таъмир-ланиб, замонавий қиёфа касб этди. Йигитлар бу ерда тест синовларидан, тиббий қуриқдан ўтишяпти. Соғлом, жисмонан ба-қувват, билимли, дунёқара-раши кенг, умуман, ҳар томонлама энг муносиб, деб топилган ва юқори даражадаги тўққинла-ниб қуриқдан ўтишяпти. Соғлом, жисмонан ба-қувват, билимли, дунёқара-раши кенг, умуман, ҳар томонлама энг муносиб, деб топилган ва юқори даражадаги тўққинла-ниб қуриқдан ўтишяпти. Соғлом, жисмонан ба-қувват, билимли, дунёқара-раши кенг, умуман, ҳар томонлама энг муносиб, деб топилган ва юқори даражадаги тўққинла-ниб қуриқдан ўтишяпти.

(Давоми 2-бетда)



Ҳар бир инсон меҳр ва эътиборда

Юртимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар боис вилоятлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари, чекка туманлар шифохоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани чуқурлаштирилган тиббий кўрсаткиш ва «Маҳорат дарслари»ни самарали ўтказишда қўл келмоқда. Юсак малакали шифокорлар ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси, кўп тармоқли оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг ўзидаги замонавий тиббий технологиялар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйишмоқда.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аслида ижтимоий соҳага йўналтирилган ҳаражатлар — келажакка сармоя ҳисобланади. Ўзбекистонда таълим соҳасига кўпгина ривожланган давлатлардагидан ҳам анча кўп — ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи сарфланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг изчил амалга оширилиши, 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши, олий ўқув юртрадида, шу жумладан, жаҳоннинг энг нуфузли университетлари филиалларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёни такомиллаштириб борилиши юртимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни бермоқда. Буни мустақиллик йилларида иқтисодий таъминоти қарийб 5 баробар ортгани исботлаб турибди. Мана шундай ижобий ҳолатни, шунингдек, миллий иқтисодимизнинг барқарор юқори суръатларда — кейинги ўн йил давомида муттасил 8 фоиздан зиёдга ўсиши таъминлаши билан бир қаторда унинг сифат кўрсаткичлари ортаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий таркибидан юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардор маҳсулотлар — телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника ва

бошқа турдаги маҳсулотларнинг ҳажми 78 фоизга етди. Мамлакат индустрияси ўз ички бозорини импорт ўрнини босадиган сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни йўлга қўйиш асосида, бугунги кунда хорижга, шу жумладан, саноати ривожланган давлатлар-

ларнинг қариганда ижтимоий таъминлашга оид конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишининг кафолатларини яратди.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳисобга олиниб, 2004 йилда “Фуқа-

дига Қонунда белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солигидан чегириб қилинди. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвақфларида тўпланган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда бу маблағлар ҳисобига

меҳнат қилган фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида уларнинг йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволанишлари имконият яратилди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

га “Cobalt” ва “Gentra” русумидаги енгил, шунингдек, юк автомобиллари, автобуслар, двигателлар, мис асосли қотишмалар, полиэтилен, ка- лава ип, трикотаж полотно ва бошқа харидорғир товарларни экспорт қилмоқда. Давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз боис кўпгина давлатларда истеъмол талаби пасайиб бораётган бир шароитда 2014 йилнинг ўзида республикамиздаги 322 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар илк бор ўз маҳсулотларини 51 давлатга етказиб беришни йўлга қўйди.

Истиқлол йилларида юртимиз аҳолиси бир ярим баробар кўпайди. Аҳоли жон бошига ўртача даромад эса 8,7 маротаба ошди. Ўз Ватани, оила- си манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизнинг ҳам қарилки гаштини суришлари учун моддий шарт-шароитлар яратилган.

Мустақиллигимизнинг илк йиллари — мустақил тузумдан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиладиган, маблағ етишмаётган, ишлаб чиқариш ҳажмлари, фуқароларнинг даромади камайиб бораётган мурраккаб даврда Ижтимоий сугурта жамғармаси ташкил этилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини ҳамда пенсионерларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун фуқаро-



роларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда иккита: асосий — бирдамлик принципи асосланган давлат ҳамда 2005 йил 1 январидан эътиборан жорий этилган мажбурий, жамғариб бориладиган пенсия тизими амал қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўланиши натижасида ишлаётган фуқаролар учун иш ҳақидан (даромадидан) бирор йўқотиш бўлмади. Ҳар ойлик пенсия мажбурий бадаллари ушбу ходимнинг дарома-

берилган пенсиялар солиқ тўлашдан озод қилинади. Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвақфларидаги иштироки равишда йўналтирилган суммаларига солиқ солинмайди.

2014 йилнинг ўзида давлат бюджети ҳисобидан кекса ёшдаги фуқароларга 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўланади. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган Фармони асосан, уруш қатнашчилари ва фронт ортида

Матонати, иродаси ва фидойилиги билан Ватанимизни рағбат топтиришга беқиёс ҳисса қўшган, бугунги кунда ҳам тарихимизнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, кадрият ва урф-одатларимизни ёшларимизга етказиш, уларни тарбиялашда ибрат бўлаётган кекса авлод вакилларига эҳтиром кўрсатиш, уларнинг сиҳат-саломатликлари, турмушлари фаровонлигини таъминлаш, умрларини узайтириш учун барча шарт-шароитни яратиш — ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Германиялик халқаро кузатувчилар Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтишим жоизки, сайловчилар эркин овоз беришди, кузатувчиларга эса сайловларнинг боришини тўлақонли мониторинг қилишлари учун барча шарт-шароит яратилди. Шу ўринда фуқаролар юқори даражада фаоллик кўрсатишганини, улар республикада кечаётган воқеа ва ўзгаришларга асло бефарқ эмасликларини намоён этишганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини сайловларнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклашарман. Мамлакатингизга эса бундан-да зиёд фаровонлик ва тараққиёт тилаймиз.

Геральд УЙБЕРШЕР,
«Reise Travel»
электрон наشري бош муҳаррири:

— Мен юртингизда яқунланган йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтган сайловларда Германиядан халқаро кузатувчи сифатида иштирок эттиш шарафига муяссар бўлганим учун Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясидан миннатдорман.

Республикангизнинг Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги еттига сайлов участкасида бўлдим. Таъкидлашим керакки, парламент сайловлари жуда яхши ташкил этилди, биронта ҳам сайлов участкасида қандайдир қонунбузилиш ҳолатлари ёки номувофиқликларга дуч келмадим.

Мамлакатингиздан катта таассуротлар билан ўз юртимга қайтдим. Сафарим яқунлари бўйича Ўзбекистон-

га бағишланган қатор мақолаларни эълон қилишни режалаштирганман.

Экхард ПРИЛЛЕР,
Берлин ижтимоий тадқиқотлар илмий маркази ишчи гуруҳининг раҳбари,
Германия фуқаролар фаоллиги федерал тармоғи аъзоси:

— Мен Ўзбекистондаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида илк маротаба қатнашдим.

Ўз миссиямни адо этишга тайёргарлик кўриш жараёнида мамлакатингиз сайлов қонунчилигини, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш борасида олиб борилган ислохотларни диққат билан ўрганиб чиқдим. Шуниси эътиборлики, ана шундай изчил ислохотлар натижасида парламентнинг, сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайгани партиялар учун рақобатнинг кучайишига интизор қилмоқда.

Мамлакатингиз парламентида Экологик ҳаракатнинг фаолият кўрсатиши атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экологик ҳолатни соғломлаштиришда кенг жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, шунингдек, экологик таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш имконини беради.

«Жаҳон» АА.
Берлин

«Биз — истиқлол фарзандларимиз»

Жиззахда вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ЁИҲ вилоят бўлими, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, ички ишлар бошқармалари ташаббуси билан “Биз — истиқлол фарзандларимиз” шиори остида уч авлод вакиллари иштирокида фестивал ўтказилди.

■ ФЕСТИВАЛЬ

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида кўрғазма ҳам ташкил этилди. Хусусан, Жиззахдаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчи ва ўқувчиларининг мусавирлик, наққошлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги йўна-

лишидаги асарлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалнинг энг фаол иштирокчилари ташкилотчиларнинг совғалари билан тақдирланди.

Тождин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ ЖАРАЁН

Аёллар тадбиркорлигини кенгайтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ва жамиятдаги фаоллигини юксалтириш мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бинобарин, тикувчилик, пазандалик сингари аёлларга хос меҳнат турларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бугунги кунда юқори даражага кўтарилди.

Имконият ва ташаббус

ишбилармон аёллар фаолияти ривожига муҳим омил бўлаёпти

Ана шундай имконият ва ғамхўрлик туфайли Сурхондарё вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати, хунармандчилик ва касаначиликка жалб этилган аёллар сони тобора ортмоқда. Масалан, Узун туманидаги “Тумарис — Истиқлол текстиль” хусусий корхонаси раҳбари Диляфруз Тўхташова ўз тадбиркорлигини дастлаб 4 нафар чевар хотин-қиз билан бошлаган эди. Бугунги кунга келиб, 12 кишига етган жамоа ташаббус билан маҳсулотларни воҳадаги қўллаб-қувватлаш дўконларида учратиш мумкин. Шунингдек, деновлик Райхона Қўрбонова раҳбарлик қилаётган “Зулай-хобону Иброҳимовна” хусусий корхонасида тайёрланаётган ширинликлар, Термиз туманидаги “Сафар бунёдкор” оилавий корхонасининг қурилиш-боп материалларига ҳам ички бозорда талаб юқори.

— Оилавий корхонани

ташкил этганимизга кўп бўлмаса-да, ўтган вақт ичида ички бозорда ўрнимизни мустақамлаб олдик, — дейди “Сафар бунёдкор” оилавий корхонаси раҳбари Ҳадича Йўлдошева. — Гап шундаки, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пишиқ гиштга талаб тобора кўпаймоқда. Бунда иш жараёнида, сифатини яхшилаган ҳолда, маҳсулот нарҳини бошқа субъектлардагига нисбатан арзон белгилаганимиз кўл келяпти.

Яна бир гап. “Тадбиркор аёл” уюшмасининг вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилаётган турли тадбирлар ҳам биз учун айна мудида бўлаётир. Чунки унда, аввало, янги ҳамкорлар билан келишувларга эришдик, қолаверса, мамлакатимизда биз, хотин-қизларга берилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот олиш баробарида, ҳуқуқий биланларимизни ҳам тобора ошириб бораёпмиз.

Мухтасар айтганда, воҳада халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида ўз фаоллигини намойиш этиб, иқтисодий-иқтисодий тараққиётга муносиб улуш қўшаётган хотин-қизлар жуда кўп. Мухими, уларнинг меҳнати эъзозу қадр топмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭНГ УЛУФ МАҚСАД

юрт тинчлиги ва рағнақига ҳисса қўшиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугун вилоятимиздаги қайси бир қақирув пункти олиб қараманг, у кўркам бинода жойлашганини кўрасиз, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг қақиривчиларини ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими мутахассиси Дониёр Бақоев. — Бундан юз ойлардаги ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу ерда қақиривчиларнинг тест синовлари ҳамда тиббий кўрикдан ўтишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Айни пайтда Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирив ҳамда белги-ланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хиз-

матчиларни Қуролли Кучлар резервиги бўшатиш тўғрисида”ги қарори асосида қақирув мавсуми бошланди.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида ҳарбий касбга қизиқиш ва интилиш ортиди. Ўз тақдирини армия билан боғлаш иштиёқидаги йигитлар сони йил сайин кўпаймоқда. Бундан жойлардаги қақирув пунктлари фаолияти муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, Вобкент тумани мудофаа ишлари бўлимида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу ерда таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар бир қақиривчининг оилавий аҳоли, қизиқиши, дунёқараши ўрганиб бориляпти. Армияда ўз бурчини намунали ўтаётган, ҳарбий таълим муассасаларида таҳ-

сил олаётган вобкентлик йигитлар фаолияти ёшларга ибрат қилиб кўрсатилаётган. 2013 йилда мазкур туман мудофаа ишлари бўлими “Энг яхши қақирув пункти” деб эътироф этилган ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, Зокир аканинг ўғли Сухробжон Каримов ҳақида. Бу йигит Ўзбекистон мудофаасига қўмақлашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгашига қарашли Бухоро автомобиль мудофаа бўлимида ўқиди. Ҳадемай, у муддатли ҳарбий хизматга отланади. Ҳайдовчилик касбини эгаллаб, армияга тайёр кадр сифатида бораётган Сухробжоннинг ўзига ишончи ортган. Ишонч ва иштиёқ уйғунлашганда эса ҳарбий хизмат йигит учун Ватан олдидаги шон-шараф ишига айланади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эзгу ишларга мустақкам пойдевор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, юртимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Буни биргина Наманган вилоятида 15 мингдан ортиқ ана шундай субъектлар фаолият кўрсатиб, ялли худудий маҳсулотнинг 75 фоиздан ортинини ишлаб чиқараётгани яққол тасдиқлаб турибди. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан

тадбиркорлик ҳаракати доимо қўллаб-қувватланаётгани, соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар берилаётгани самарасидир.

Биз ҳам яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятимизни барқарор йўлга қўйиб олдик. Айни чоғда ишлаб чиқаришни йил сайин ривожлантириб бораёпмиз. Масалан, банкнинг бир миллиард сўм миқдоридики кредити ёрдамида Фаргона водийсида биринчи бўлиб мода ва дизайн

марказини ишга туширдик.

Бугунги кунда корхонамизда эллиқдан ортиқ турдаги либослар тайёрланаёпти. Уларнинг сифати юқори, бичими замон талабларига мос. Шу боис ташиқ бозорда ҳам талаб ортиб бораёпти. Натижада яқунланган йилнинг ўзида МДҲнинг бир қатор давлатларига 280 минг АҚШ долларилик маҳсулотлар етказиб берилди.

2015 йилда амалга оширишни мўлжаллаган режаларимиз бисёр. Жумладан, аёллар костюми ва курт-каси тикишни ўзлаштириш

ҳаракатини бошладик. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 35 та иш ўрни яратилиб, қўшимча равишда 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг деярли барчаси шундай истиқболли лойиҳалар устида ишлаяпти, десак, хато бўлмайди. Чунки жорий йилда кичик бизнес ва фермер ҳўжалиқлари учун ягона ижтимоий тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилиши кутилаёпти.

Бу 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ тадбиркор ва фермерларнинг ихтиёрида қолдирилади, деганидир.

Тадбиркорларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар эзгу ишларга мустақкам пойдевор бўлиб, пирова-рида кўп тармоқли иқтисодий таъминнинг етакчи соҳасини янада ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилади.

Бахтиёр УМАРОВ,
Наманган шаҳридаги
«Истиқлол текстиль дизайн»
масъулията чекланган
жамияти раҳбари.



ТАҲЛИЛ

Бугунги шиддат билан тараққий этаётган даврни замонавий технологияларсиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боис ҳар бир соҳада янгиликка қўл уриб, илгор ва тежамкор ишланмаларни амалиётга изчил татбиқ этиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Жумладан, кейинги йилларда жаҳон энергетика тизимида самарадорликни ошириш, табиий захираларни тежаш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Муқобил энергия манбалари

ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан наф келтиради

Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Гап шундаки, жаҳон иқтисодиёти электр энергияси билан таъминлашда нефть-газ тизими энг юқори ўринда туради. Яъни дунё бўйича табиий ёнилги сарфи микдори йилига 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Бу — ҳар бир киши эҳтиёжи учун тахминан 1,8 тонна шундай ёнилги ишлатилапти, дегани. Бунинг ҳам моддий томони, ҳам экологияга таъсири қай даражада эканини ҳисоб-китоб қилиш эса ўзингизга ҳавола. Шу жиҳатдан қараганда, қайта тикланувчи энергия манбалари самарадорлиги билан ажралиб туради. Ҳозир истеъмол қилинаётган барча энергиянинг 13,5 фоизини, электр энергиясининг 18 фоизини муқобил энергия манбалари ташкил этаётгани, 2,5 миллион нафардан зиёд киши ушбу соҳада бандлиги ана шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам истиқлол йилларида энергетиканинг мазкур тармоғи изчил ривожлантириляпти. Ўтган давр мобайнида “Электр энергетикаси тўғрисида”ги, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий ишларни янада жадаллаштирмоқ-

да. Чунончи, Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш юзасидан салмоқли тажриба тўпланган бўлса, ўтган йили пойтахтимизда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти мутахассислари қайта тикланувчи манбаларни илгор ва самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўллашга оид тақлифлар тайёрлаб, йирик лойиҳаларга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш сингари долзарб вазифаларни сийдиқдилдан адо этмоқдалар.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда дунё микёсида шомол ва қуёш нури ёрдамида муқобил энергия ҳосил қилиш усулларига бўлган талаб тобора ошмоқда. Хусусан, қуёш панеллари атиги олти давлатда ишлаб чиқарилишини инобатга оلسак, уларни тайёрлашни янада жадаллаштириш навбатдаги муҳим вазифалар сирасига қиради.

Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларга аллақачон киритилган диққатга сазовор. Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги тегишли қарори асосида ишлаб чиқилган махсус

дастур доирасида биргина “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси тизимида умумий қиймати 5 млрд. 272,7 млн. АҚШ долларлик 44 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилган, кўплаб ишбилармонларимиз томонидан шомол генератори ва қуёш панеллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этилаётгани бунинг тасдиғидир.

Пойтахтимиздаги “Интеллект диалог” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири бўлиб, мана, бир неча йилдирки, у аҳоли ва ташкилотларга бу борада ёрдам бериб келмоқда.

— Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти жуда юқори, — дейди жамият раҳбари Ганижа Солиев. — Фаолиятимизни 2008 йилда йўлга қўйган бўлсак, ўтган давр мобайнида аҳоли ва турли ижтимоий объектларга 200 дан зиёд қуёш панеллари ва шомол генераторларини ўрнатиб бердик. Масалан, Саросиё туманидаги Бобур, Узун туманида-

ги “Янгиобод”, Денов туманидаги “Ўзбекистон” қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликлари шулар жумласидандир. ЎзФА Энергетика ва автоматика институти олимлари билан ҳамкорлик ўрнатганимиз, шунингдек, Тошкент давлат техника университетидан махсус лаборатория ташкил этганимиз эса фаолиятимизни янада кенгайтиришда қўл келмоқда.

Айни пайтда корхонамизда 300 ваттдан 20 киловаттгача бўлган қувватга эга, бошқача айтганда, хонадонни ёритишдан тортиб, кичик ишлаб чиқариш субъекти учун зарур электр энергияси етказиб берувчи ускуналар тайёрланапти. Ўтган йилда эса гибрид — шомол-қуёш қурилмаси ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бу ускунанинг афзаллиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам офтоб нуридан, ҳам шомолдан энергия олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, булутли кунларда шомол, шомолсиз кунларда эса қуёш



нуридан ҳам фойдаланиш мумкин. Қолаверса, янги қурилманинг иссиқхоналарни иситиш, энергияни йиғмасдан туриб, насос ёрдамида сув чиқаришга мўлжаллангани эътиборга лойиқ. Буларнинг барчаси аҳолини “келажак энергияси” дея таъриф берилаётган муқобил энергия манбалари билан таъминлашга хизмат қилаётгани эса, айниқса, аҳамиятлидир.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда муқобил энергетика тизими инновацион ривожланишнинг муҳим омилига айланмоқда. Унинг аънавийларига нисбатан тежамкорлиги ва экологик жиҳатдан безарарлиги бу борада асосий мезондир.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ.

Тадбиркор зиммасидаги масъулият

Чиноз туманида фойдаланилмайдиган кўп қаватли бинолардан бири тадбиркорлик субъектига “ноль” қийматида берилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ишбилармон Зайниддин Ақромов зиммасига яқин икки йил мобайнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бир миллиард сўмдан зиёд инвестиция киритиш мажбуриятини юкледи.



ИМТИЁЗ

Тадбиркор сармоянинг бир қисмини “Чиноз текстиль сервис” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйиш учун йўналтирди. Хориждан замонавий тикувчилик дастгоҳлари келтирилиб, маҳаллий чеварлардан 22 нафари ишга қабул қилинди. Бизнес лойиҳага кўра, бу ерда босқичма-босқич янги тармоқлар очилиб, фаолият кўлами кенгайиб бо-

Корхона чеварлари ҳозир мавсумий кийим-кечак, мактаб формалари, санат корхоналари ишчи-хизматчилари учун коржомалар тикишмоқда.

— Чеварликни туманимиздаги иқтисодиёт касб-хунар коллежидан ўрганганман, — дейди тикувчи Дилноза Кароматуллаева. — Илгор дастгоҳларда ишлаяпти. Либосларимиз хорижидан қилинмай-

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Тежамкор ва фойдали

Балиқ гўштининг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Масалан, у инсон хотирасини мустаҳкамлашда, айниқса, болаларнинг соғлом улғайишида муҳим унсур ҳисобланади. Шу боис ҳар бир кишининг балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиш меъёри ишлаб чиқилган. Бироқ ушбу парҳез маҳсулотни етиштириш осон иш эмас. Бунинг учун кишидан мустаҳкам ирода, тажриба ва омиқкорлик талаб этилади.

БАЛИҚЧИЛИК

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли Навоий вилоятида ҳам озик-овқат маҳсулотлари, хусусан, балиқ етиштириш мақсадида тизимга замонавий технологиялар изчил татбиқ қилинмоқда. Бунга Қизилтепа туманидаги “Аква Тўдакўл” қўшма корхонаси жамоасининг фаолияти яққол мисол бўла олади.



граммгача етказиш мумкинлигини инобатга оلسак, жамоанинг мазкур ташаббуси қанчалик аҳамиятга эга эканлигини англаш мушкул эмас. Ҳозирги кунда умумий майдони 21 минг гектардан иборат “Тўдакўл” ҳавзасида зогора, оқ амур, оқдунгпешона, қарас, лаққа каби 12 турдаги балиқлар парвартирилмоқда. Бу ерда амалга оширилаётган модернизация тадбирлари боис эса парҳезбop маҳсулотлар етиштириш ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Хусусан, бундан ўн йил аввал ушбу ҳавзада 150 — 170 тонна балиқ етиштирилган бўлса, эндиликда мазкур кўрсаткич 1000 тоннага етказилди. “Аква Тўдакўл” қўшма корхонаси жамоаси ҳам келгусида янада юқори натижаларга эришиш истагида балиқ боқиш хўжалигини-

нинг инкубация цехида балиқнинг 4 та янги турини кўпайтирмоқда. Худудда, шунингдек, балиқчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли “Аква Тўдакўл” сингари хўжалиқлар сонига тобора кўпаймоқда.

Вилоятдаги энг катта ҳавзалардан бири — Айдаркўлда ҳам балиқчилик тобора ривожланапти. Ҳозирги кунда бу ерда балиқчиликка ихтисослаштирилган ўнлаб хўжалиқлар самарали фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ушбу сердаромат тармоғига янги технологик усулларнинг жадал татбиқ этилаётгани эса аҳоли дастурхонини парҳезбop маҳсулотлар билан янада бойитишга хизмат қилиши муқаррар.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Буюртма асосида пойабзаллар тайёрланмоқда

Гулистон шаҳридаги “Дадаев Зоир — Дадаев Толиб” хусусий корхонасининг буюртмалар дафтарига икки тоифадаги харидорлар қайд этиб борилади. Яъни бири маҳсулотни улгуржи олувчи савдо шохобчалари бўлса, иккинчиси чакана буюртма берувчилардир.

ИЗЛАНИШ

Бинобарин, корхонада тайёрланаётган пойабзалларнинг сифати юқорилиги боис унинг акка тартибдаги харидорлари ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳозир бу ерда эркаклар учун барча мавсумга мос 10 турдаги оёқ кийимлари тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, қисқа муддатда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ортди. Хусусан, дастлаб маҳсулот тайёрлаш 5 та цехда амалга оширилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 10 тага етказилди.

— Барча дастгоҳларимиз замонавий, — дейди хусусий корхона раҳбари Зоир Дадаев. — Шу туфайли бир неча янги мо-

делдаги пойабзаллар тайёрлашни йўлга қўйдик. Жумладан, “Мнэдл” деб номланувчи туркумдаги оёқ кийимларимиз бежиримлиги ва ҳар жиҳатдан қулайлиги билан қисқа муддатда харидорлар эътиборига тушди.

Таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотлари маҳаллий хом ашё — ўзимизда қайта ишланган теридан тайёрланапти. Бу эса уларнинг таннархи арзонлашишида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Аҳмадли ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Худуд эҳтиёжини қоплайди

Ўзбекистон туманида фаолият бошлаган “Азия экселен” қўшма корхонаси томонидан тайёрланаётган электродлар худуддаги қурилиш ташкилотларига буюртма асосида етказиб берилаяпти. Ваҳолонки, яқин вақтгача бундай маҳсулот, асосан, четдан олиб келинади.

ИНВЕСТИЦИЯ

Ушбу лойиҳа рўёби учун 200 минг АҚШ доллари микдорида сармоя йўналтирилди. Маблагнинг 130 минг долларлик қисми “Шўрсув” масъулияти чекланган жамияти томонидан киритилган бўлса, қолгани хитойлик инвесторлар ҳиссасига тўри келди.

Шундай қилиб, туманда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 5 тага етди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«KOP TAPMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» MCHJ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар, асбop-ускуналар ва дастгоҳлар такроран қўйилмоқда:

- I. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2014 йил 7 августдаги 1-251/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш биноси.
- Бошланғич баҳоси — 1 253 078 561 сўм.**
- II. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4048 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш ва омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 2 758 004 144 сўм.**
- III. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан, 2012 йил 17 сентябрдаги № 1-423/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа 9-берк кўчасида жойлашган, умумий майдони 1700,0 кв.м., 1 қаватли, қурилиш ости майдони 615,0 кв.м., фойдаланиш майдони 200,32 кв.м., иншоотлар майдони 364,0 кв.м., асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар сони 8 тадан иборат бўлган «Вог' ko'cha ART» номли чойхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 589 375 123,81 сўм.**
- IV. Тошкент шаҳар СИБ томонидан, 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ks InD» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш ости ер майдони 9773,0 кв.м., фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 та бўлган бино-иншоотлар ва 6 турдаги дастгоҳлар:

- * металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный станок) 2 (R.B.D) 8 мм.дан 1 мм.гача.;
- * металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный станок) 1 (Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача.;
- * экструдер (EXTRUDION VA-CHINE) QLBG-650 № 0110/1500N/1-8 мм.;
- * индукцион типидagi мис эритадиган печка (меделпавильная печь) (UPWARD CUSTING);
- * 2316-V0001 типидagi электр жиҳози (электрическое оборудование) (ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT 2316 Burstler);
- * дизель генератори (Disel Generator Aksa model APD 550C) бўлган кўчмас мулклар ва дастгоҳлар мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 7 647 230 298 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закатат пулини «Kop' tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхталиши.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-53, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ
Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Пешку тумани СИБ томонидан, Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 28 апрелдаги 20-1402/2478-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Пешку тумани, «Янгибозор» ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, ер майдони 28020,0 кв.м. бўлган, Пешку тумани «202-сонли ХКМК» АЖга тегишли мазмурий ишлаб чиқариш базаси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 272 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2015 йил 20 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси биноси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.



иктидорли чарм тўп усталарини тарбиялаб, мамлакатимиз жамоаларига етказиб берди. Хозир бу ерда 278 нафар ўқувчи футбол сир-асорларини пухта ўрганмоқда. Бунинг учун таълим муассасасида барча қулайлик яратилган. Хусусан, мактаб-интернат 2007 йилда капитал таъмирланди. 2013 йили эса унинг қошида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмга тенг бўлган

фар малакали мураббий таълим-тарбия бермоқда. Мактаб-интернат футбол жамоасининг қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ҳам йил сайин юксалиб бораётир. Хусусан, футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўртасида ўтказиладиган аънавий республика турнирида ушбу таълим муассасаси жамоаси бир неча бор голиб ва совриндорлар сафидан жой олган. 2014 йил Жиззах шаҳрида ташкил этилган республика биринчи-

Янги технология афзаллиги

Шахрисабз туманидаги "Покиза нон плюс" шўба корхона-сига ўрнатилган янги технологиялар туфайли бу ерда тайёрланаётган пархезбоп ва шифобахш нон маҳсулотлари тури кўпайди.

ИНТИЛИШ

Хусусан, корхонада вилоятда илк бор жавдар нони ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жавдар уни бугдойникига нисбатан қанд миқдори кўплиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, у витаминларга бойлиги боис қандли диабет ҳамда камқонликдан азият чекадиган беморларга тавсия этилади.

— Цехларимиз Германия технологияси асосида жиҳозланган, — дейди корхона раҳбари Баҳриддин Мухаммадиев. — Ҳозир бу ерда кунига 2-2,5 тоннагача ун қайта ишланапти. Келгусида эса макарон маҳсулотлари тайёрлашни ҳам режалаштирганмиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

лиги ҳамда Халқ таълими вазири раҳбири Кубоги мусобақасида мазкур муассасанинг ёш футболчилари юқори натижаларга эришди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, мактаб-интернатда таниқилган футболчилар билан маҳорат дарсларини ўтказиш аънамага айланган. Яқинда ўқувчилар "Насаф" жамоасининг бир гуруҳ футболчиларидан ана шундай сабоқ олишди. Табиийки, бундай мулоқотлар ёшларда моҳир спортчи бўлишга интилиш ва ҳавасни кучайтиради.

Мухтасар айтганда, ушбу мактаб-интернатда амалга оширилган эзгу саъй-ҳаракатлар ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларига ҳамда иқтидорларини намоён этишларига хизмат қилаётир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боисдан ҳам фарзандларимизнинг замонавий спорт мажмуаларида ўз қизиқиши ва лаёқатига мос спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар ярати берилмаётир.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Айтиш жоизки, Хоразм вилоятида ҳам ёшларнинг бар-

ЭЪТИБОР, РАҒБАТ ВА ҒАМХЎРЛИК

ёшларимизни юксак марралар сари етакламоқда

камол бўлиб вояга етишлари йўлида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, 2003 — 2014 йилларда воҳада 102 та замонавий спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 60 миллиард 899 миллион сўмдан зиёд, уларни зарур ускуна ва инвентарлар билан таъминлашга эса 4 миллиард 265 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Мазкур иншоотларнинг 90 фоиздан ортиги қишлоқ жойларда фаолият бошлагани эса чекка ҳудудларда ҳам ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Урганч шаҳридаги вилоят 5-сон футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳам истиснонинг ёш авлодга бўлган тўғрисида. 1996 йилда фаолият бошлаган ушбу маскан бўлган йиллар давомида бир қатор

ёпиқ сув ҳавзаси қурилди. Бунинг натижасида нафақат ушбу мактаб ўқувчилари, балки унинг атрофидаги маҳалаларда истиқомат қилаётган ўғил-қизлар учун ҳам сув спорти билан шуғулланиш имконияти яратилди.

— Таълим муассасамиз замон талаблари асосида барпо этилган, — дейди мактаб-интернат директори Шерзод Ибодуллаев. — Синф хоналаримиз лаборатория анжомлари, сўнгги рўсумдаги компьютер жамланмалари билан тўлиқ жиҳозланган. Спорт зали, волейбол, футбол майдончалари, ётоқхона, ошхона ўқувчилар ихтиёрида. Мактабимизда нафақат спорт секциялари, балки бошқа фанлардан ҳам тўғрақлар йўлга қўйилган. Бу ўқувчиларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал жиҳатдан камолга етишини таъминлаётир. Фарзандларимизга 36 нафар тажрибали ўқитувчи ва 12 на-

Реклама ўрнида

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати»
акциядорлик жамияти
жамоаси

Ўзбекистон халқини 2015 йил –
Кексаларни эъозлаш йили билан
қутлайди!

Янги йил бахт ва омад,
қувонч, мустақам соғлиқ,
тинчлик-хотиржамлик келтирсин!

Азиз ҳамюртлар, ҳамкорлар
ва ҳамкасблар!
Барчангизни кириб келган
2015 йил
билан муборақбоқ этамиз!

Янги йилда сизга
сиҳат-саломатлик
ва фаровонлик ҳамisha
ёр бўлишини тилаймиз.
2015 йил ҳар биригизга
хурсандчилик, бахт-иқбол
олиб келсин!

fido-biznes

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 073 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзловлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

